# “Қишлоқ аёллари куни” муносабати билан концерт дастури ўтказилди

Унда Шерободлик каттаю кичик хотин-қизлар, онахонлар ва маҳалла фаоллари қатнашишди. Тадбир бошида туман ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Боймуродова сўзга чиқиб, барчани байрам билан қутлади. Шундан сўнг санъаткорлар томонидан тайёрланган бадиий қисм йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Лобарин опа-сингилларимиз мазкур дастурдан маданий хордиқ олиб, шўх куй-қўшиқларга яйраб рақсга тушишди.